

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
2023

УЎК: 378.018.4
КБК: 74.4
З – 49
Зарипов, Л.
Талабалар мустақил таълимини ташкил этиш [Матн] : методик қўлланма / Л. Зарипов, Н. Хайитов, З. Тоҳиров. – Тошкент: “Sano-Standart”, 2023. – 32 б.

ISBN 978-9943-7215-8-6

Мазкур методик қўлланма олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилишга қаратилган бўлиб, уларнинг мустақил фикрлашларини шакллантириш усул ва услублари кўрсатилган. Қўлланмада мустақил ишлаш мазмуни, шакли, методлари ҳамда талабаларнинг мустақил ишлашларига методик тавсиялар берилган.

Ушбу методик қўлланмадан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, магистрантлар ҳамда талабалар фойдаланишлари мумкин.

Таҳрир ҳайъати:
Ш.Якубов, М.Эсанов, Т.Аҳмедов,
А.Эшмуродов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378.018.4
КБК: 74.4

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли йиғилиш баёни ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли буйруғи билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7215-8-6

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

КИРИШ

Мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётда туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Айниқса, таълим соҳасидаги ислоҳотларда “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши муҳим ўрин тутади. Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши ёки аксинча, инқирозга юз тутиши мамлакатдаги таълим тизимининг қай даражада такомиллашганига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони билан тасдиқланган **“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”**да олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш ва илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда, ижтимоий соҳа ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга стратегик масалалар сифатида алоҳида аҳамият берилган.

Жумладан, Концепцияда “мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш” вазифаси белгиланган. Шунингдек, унда таълим олувчиларнинг мустақил таълим олишлари, мустақил ишлаш, малакаларини узлуксиз ошириш орқали мутахассисларнинг зарурий компетенцияларга эга бўлиши, ижодий яратувчанлик, тадқиқотчилик, мантиқий тафаккурини ривожлантиришга эришишлари мумкинлиги таъкидланган.

Мутахассис кадрлар тайёрлашда таълим жараёнини ташкил қилиш муҳим ўрин тутади. Ҳозирги кунда ўқув режаларда талабалар ўқув юкламасининг ҳажми аудитория (контактли) ва мустақил таълимнинг нисбати бакалавриат таълим йўналишларида **40/60 фоиз нисбатидан 50/50 фоиз нисбатигача**, магистратура мутахассисликларида **30/70 фоиз нисбатидан 50/50 фоиз нисбатигача** ажратилган. Таълим дастурининг ўзгариши жараёнида фанларнинг бир қатор масала ва муаммолари мустақил таълим орқали ўрганилиши лозим. Мустақил таълим талабалар томонидан у ёки бу фан бўйича дастур материалларидан бир қисмининг мустақил ўзлаштирилишидир.



Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази мутахассислари томонидан “Талабалар мустақил таълимини ташкил этиш” методик қўлланмаси ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур қўлланма олий таълим тизимида мустақил таълимни ташкил этишда профессор-ўқитувчилар, докторантлар, тадқиқотчилар, талабалар учун амалий ёрдам беради деган умиддамиз.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Олий таълимнинг ўз олдига қўйган асосий вазифаларидан бири мутахассисни ўз-ўзини ривожлантиришга, мустақил равишда билимини кўпайтиришга, инновацион фаолиятга қобил бўлган ижодий шахсиятини шакллантиришга йўналтиришдан иборатдир. Бундай вазифани амалга ошириш учун тайёр билимларни ўқитувчи томонидан талабага беришнинг ўзигина камлик қилади. Бундай йўл талабани билимларни ўзлаштиришнинг пассив истеъмолчисига айлантириб қўяди. Ваҳоланки, бугун бизга билимларни ўзлаштиришдаги пассив истеъмолчи эмас, балки унинг фаол ижодкори зарурдир. Натижа шундай бўлиши керакки, бўлғуси мутахассис ҳар қандай назарий ва амалий муаммони ифодалай оладиган, уни ечишнинг йўлларини илмий ёки методик жиҳатдан таҳлил қилишни уддалайдиган энг муносиб ва мувофиқ натижаларни топиб, унинг тўғрилигини исботлаб бера оладиган бўлсин.

Таълим тизимидаги ўзгаришлар таълим мазмуни билан чамбарчас боғлиқ. Янгиланишлар талабалар ўқишини ташкил этишнинг янги шакли ва усуллари ҳақида ҳам бош қотиришни талаб этади. Шу маънода талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш муҳим шаклгина эмас, балки таълим жараёнининг асосини ташкил этувчи муҳим қисм бўлишини тақозо этади.

Буларнинг барчаси таълим бериш (олиш)нинг замонавий методларини эгаллашни, талабаларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришни ҳар



бир талабанинг имконият ва салоҳиятини эътиборга олган ҳолда, гуруҳ ўқишларидан индивидуал ўқишга ўтишни кўзда тутади.

Бу жараённи шундай ташкил этиш лозимки, унинг натижасида талабанинг мустақил билим олиши ва бу билимларини ҳаётга татбиқ этишга оид қобилияти, кўникма ва малакалари шакллансин.

Талабалар мустақил ишларини ташкил қилиш мақсад ва вазифалари:

Талабалар мустақил ишининг асосий мақсади — талабада ўқув ишларини мустақил бажаришда керак бўладиган билим, кўникма ва малакаларнинг ташкил топиши ва ривожланиши.

Талабалар мустақил ишининг вазифалари:
Мустақил ишларни бажариш учун янги маълумот қидиришга керакли чора-тадбирларни аниқлаш
Информацион манбалардан мустақил ишларни бажариш жараёнида фойдаланиш
Меъёрий ҳужжатлар, илмий-методик материаллар, ўқув адабиётлар билан ишлаш
Электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар базаси билан ишлаш
Иш режаларини экспертизага тайёрлаш, эксперт хулосасига кўра уларни қайта ишлаш, ишнинг тизимли ва ижодий бажарилиши учун шароит яратиш
Ишлаб чиқилган ечимни, ғоя ёки лойиҳани изоҳлаш ва ҳимоя қилиш

Талабалар мустақил иши учун белгиланган вақт меъёрига биноан кафедраларда барча предметлардан ташкилий шакллар, мустақил иш вариантлари ва мустақил бажариш топшириқлари ишлаб чиқилади, улар факультетнинг илмий-методик кенгашида ва кафедра йиғилишларида муҳокама қилиниб, тасдиқланади.

Талабалар мустақил ишини ташкиллаштириш унинг методик таъминланишининг тематикаси ва шакллари рўйхатини тузиш учун ҳар бирининг мақсад ва вазифаларини ифодалаб бериш, йўриқнома ёки методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва илмий адабиётларни танлаш дегани.

АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Мустақил таълим — ўқув материалини мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудиторияда ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолият.

Мустақил таълим — олинган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, қўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадидаги ўқув шакли.

Мустақил иш — ўқитувчининг топшириғи ва унинг раҳбарлигида ўқув вазифасини ҳал этадиган таълимнинг фаол методи. Мустақил иш бу қўйилган мақсад билан боғлиқликда талабаларнинг аниқ фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишдир. Талабанинг мустақил ишлари унинг юқори даражадаги фаоллик, ижодийлик, мустақил таҳлил, ташаббускорликка ҳамда барча вазифаларни ўз вақтида ва мукаммал тарзда бажаришга асосланган фаолиятидир.

Таъбир жоиз бўлса, бўлажак мутахассиснинг фикрлаш тарзини тарбиялашга қаратилган барча ҳаракат-фаолият уларнинг асосини ташкил этади. Талаба мустақил фикри туғилишига, унинг билиш фаоллигини оширишга имкон берадиган ҳар қандай машғулот тури мустақил ишлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Мустақил таълимни талабаларга билим беришда уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, уларга бериладиган топшириқ ва юкламаларни камайтириш деб тушунмаслик керак, балки ўқитувчилар томонидан мунтазам бошқариладиган талабаларнинг интерактив мустақил фаолиятидир. Ўқув жараёни сифатини оширишда мустақил таълимнинг роли катта. Буни англаган ҳолда, юртимиз олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларига ажратилаётган мустақил таълим соатлари улуши мунтазам ошириб борилмоқда. Талаба мустақил таълим унинг манфаатини кўзлаб амалга оширилаётганини тушуниши керак.

Аслида, талабанинг мустақил иши деган тушунча унинг аудитория ва ундан ташқарида, ўқитувчи раҳбарлиги остида ёки ўқитувчи иштирокисиз амалга ошириладиган мустақил иш мажмуини англатади.

Мустақил иш қандай шароитларда амалга оширилади:

1. Бевосита аудиторияда — маъруза, амалий машғулот, семинар ёки лаборатория ишлари бўйича вазифалар бериш жараёнида.

2. Ўқитувчи билан дарс жадвалидан ташқари пайтлардаги бевосита мулоқот чоғида маслаҳатлар беришда, ижодий мулоқотлар жараёнида, қарздорликни йўқотишда якка топшириқ бажаришда ва бошқалар.

3. Кутубхонада, уйда, талабалар уйларида, кафедраларда талаба томонидан ўқув ёки ижодий топшириқларни бажариш жараёнида.

Бу иш турлари орасидаги чегаралар жуда қатъий бўлмасдан, бир-бирига осонликча ўтиб туриши мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, талабаларнинг мустақил ишлари аудиторияда ҳам, ундан ташқарида ҳам бўлиши мумкин. Аудиториядан ташқаридаги мустақил ишлар асосий ўрин тутади.

Мустақил иш бўйича тест саволлари, топшириқлар ва машқлар устида ишлаш асосан мустақил бажарилади. Бу иш натижалари эса аудитория (амалий ва лаборатория) машғулотларида ўқитувчи раҳбарлигида таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Демак, мустақил иш ва аудитория машғулотлари бир-бирини тўлдиради, талабаларнинг билим ва касбий компетенцияларини оширади.

ТАЛАБАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ИШЛАШГА ҚИЗИҚТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Талабаларнинг фаол мустақил ишлари фақат жиддий ва барқарор қизиқишлар мавжуд бўлгандагина амалга ошиши мумкин. Бундаги энг жиддий омил — келгуси самарали касбий фаолиятга тайёргарлик. Талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга имкон берувчи ички омилларни кўриб чиқайлик:

1. Бажарилаётган ишнинг фойдалилиги. Агар талаба ўз иш натижаларининг маъруза жараёнида, методик қўлланмада, лаборатория ишида ёки амалий машғулотларда, мақолалар тайёрлашда фойдаланилиши мумкинлигини билса, унинг бажараётган ишига бўлган муносабати кескин тарзда яхши томонга ўзгаради, ҳамда иш сифати ҳам ортади. Шунга кўра, талабани руҳан бундай ишга тайёрлаш, бажариладиган ишнинг зарурати кўрсатиб берилиши керак.

2. Талабанинг ижодий фаолиятдаги иштироки. Бу ниҳоятда хилма-хил кўринишларда бўлиши мумкин. Хусусан, кафедралар томонидан олиб бориладиган илмий тадқиқот ишлари, бадиий ижод, методик ишлар ва ҳоказолар.

3. Фан олимпиадаларида, илмий-тадқиқот ишларида, амалий ишлар танловларида иштирок этиш ва бошқалар.

4. Билимларни назорат қилишда қизиқтирувчи омиллардан фойдаланиш (рейтинг, тестлар, ноанъанавий имтиҳон шакллари в.б.). Бу омиллар тегишли ҳолатларда мусобақа руҳини вужудга келтиради. Мана шу ҳолатнинг ўзи талабада ўз устида ишлашни, ўзини ривожлантиришга ички эҳтиёжини шакллантиради ва ривожлантиради.

5. Мустақил ишларни ташкил этиш мазмуни ва шаклларига ўқув жараёнида етарлича вақтнинг ажратилаётганлиги ҳам талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришига имкон беради.

Бугунги кундаги кредит-модуль тизими асосида ташкил этилган олий таълим муассасаларида мустақил таълимнинг нисбати бакалавриат таълим йўналишларида 40/60 фоиз нисбатидан 50/50 фоиз нисбатигача, магистратура мутахассисликларида 30/70 фоиз нисбатидан 50/50 фоиз нисбатигача мустақил ишга мўлжалланган ўқув режасида мустақил ишларни ташкил этиш белгиланган. Бундан кўриниб турибдики, мустақил ишлар учун етарлича вақт ажратилган. Асосий гап ана шу вақтдан самарали ва унумли фойдаланишда, холос.

Талабаларнинг мустақил ишлари асосида ўқув жараёнини ташкил этишнинг иккита асосий йўналиши мавжуд

БИРИНЧИСИ — аудитория машғулотларида мустақил ишларнинг ролини ошириш. Буни амалга ошириш учун профессор-ўқитувчилардан аудитория машғулотларини ташкил этишда талабаларнинг юқори даражадаги мустақиллиги ва тайёргарлиги сифатини таъминлайдиган методика ва шаклларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

ИККИНЧИСИ — талабаларнинг аудиториядан ташқари вақтларда барча йўналишлар бўйича мустақил ишлардаги фаолликларини ошириш.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари ишлардаги фаолликларини оширишдаги муаммолар бир қатор қийинчиликлар билан боғлиқ. Бунда мустақил ишларни бажаришга кўпгина талабаларнинггина эмас, ҳатто айрим профессор-ўқитувчиларнинг ҳам тайёр эмасликларини кўриш мумкин.

Бу кўпинча касбий ёки психологик йўналишда намоён бўлади. Бунинг ёнига сифатсиз информацион таъминотни ҳам қўшса бўлади. Кўп ҳолларда



информацион таъминот талаб даражасида бўлмайди, бунинг натижасида самарадорликнинг пасайиб кетиши кузатилади. Шунингдек, талабаларда ўзига бўлган ишончнинг йўқлиги ҳамда уларда нутқ маданиятининг яхши ривожланмаганлигини ҳам уларнинг мустақил таълимда фаол иштирок этмасликларига сабаб бўлувчи омиллар қаторига қўшишимиз мумкин.

Талабалар мустақил ишлари (кейинги ўринларда — ТМИ)ни ташкил этишдаги асосий вазифа ҳар қандай шаклдаги машғулотларда интеллектуал ташаббус ва тафаккурни ривожлантириш учун психологик-дидактик шароитларни яратишдан иборатдир. ТМИни ташкил этишдаги бош тамойил талабаларнинг индивидуал ишлашга ўтишларини таъминлаш бўлиши керак. Бунда айрим топшириқларни формал ва пассив бажаришдан уни онгли ва фаол бажариш сари йўллаш асосий ўрин тутиши керак. ТМИнинг мақсади аввал ўқув мазмуни билан, кейин эса илмий ахборотлар билан мустақил ишлашга ўргатиш, ўз-ўзини йўналтириш ва ривожлантириш асосларини, кейинчалик ўз малакасини мунтазам ошириб бориш кўникмасини ҳосил қилишдир.

Бунда ҳал қилувчи ролни ўқитувчи адо этади. У, умуман, талаба билан эмас, балки муайян шахс билан ишлаётганини ҳар доим диққат марказида бўлиши лозим. Ўз талабасининг кучли ва ожиз томонларини яхши билиши, индивидуал қобилияти ва қизиқишларини назарда тутиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитувчининг вазифаси талабанинг — бўлажак юқори малакали мутахассиснинг яхши томонларини кўриш ва кўпайтиришдан иборат.

Ҳар қандай фанни ўрганишда ТМИни ташкил этишнинг ўзаро алоқадор уч шакли кўзга ташланади:

1. Аудиториядан ташқари мустақил ишлар.

2. Аудиторидаги мустақил ишлар. Бу бевосита ўқитувчи раҳбарлигида ташкил этилади.

3. Ижодий. Ижодий шакл ниҳоятда хилма-хил бўлиши мумкин.

Жумладан:

ўрганилаётган фаннинг алоҳида бобларига оид берилган мавзу бўйича таҳлилий маълумотлар, маъруза ва ёзма ишлар. Талабага мавзу, ҳатто раҳбарни ҳам танлаш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ бўлади;

танланган фан бўйича иллюстратив материалларни тайёрлаш, бунда мавзу ўқитувчи томонидан берилади, унинг мазмуни ва шакли, ижроси талаба томонидан белгиланади;

ҳажми, мураккаблиги, мазмуни талабанинг ўзи томонидан шакллантириладиган илмий кроссвордлар тузиш;

замонавий олимнинг илмий монографиясига, ёзувчининг асарига асосий ғоя ва қоидаларни ажратган ҳолда, ўз шахсий асосланган баҳоси ҳамда фойдаланишга тавсияси кўрсатилган тақриз ёзиш;

турли характердаги уй вазифаларини бажариш. Бунга машқ ва масалаларни ечиш, матнни таржима қилиш ёки қайта ҳикоялаш, адабий ёки илмий манбаларни танлаш ва ўрганиш, турли жадвалларни тузиш, график ишларни бажариш, турли ҳисоб-китобларни амалга ошириш в.б. киради;

талабадаги ташаббускорлик ва мустақилликни ривожлантиришга қаратилган индивидуал топшириқларни бажариш. Алоҳида топшириқларни ҳар битта талаба ёки талабаларнинг бир қисми олиши мумкин;

курс ишлари, битирув малакавий ишларини бажариш;

илмий-назарий ёки илмий-амалий анжуманлар, кўрик-танловлар, олимпиадаларга тайёргарлик;

танланган мавзу бўйича илмий иншо ёзиш.

ТМИга ижобий муносабатни шакллантириш ва ривожлантириш учун ҳар бир босқичда ишнинг аниқ мақсади ва қўйилган вазифалари тушунтирилиши, талабалар томонидан ана шу мақсад ва вазифаларнинг англанганлиги назорат қилиниши керак. Бу ишлар кейинчалик талаба томонидан вазифаларни мустақил тарзда қўя билиш ҳамда мақсадларни танлаш кўникма ва малакаларининг шаклланишига асос бўлади.

Амалий машғулотларнинг тенг ярми, яъни бир жуфтликнинг 50 фоизи масала ва машқларни мустақил бажаришга сарфланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Уни қуйидагича ташкиллаштириш мумкин:

1	Ўқитувчининг кириш сўзи (машғулот мақсади, асосий масалалар)
2	Тезкор сўров
3	1-2 масала ёки машқни доска ёнида бажариш
4	Масала ва топшириқларни мустақил бажариш
5	Топшириқларни бажаришдаги хато ва камчиликлар устида ишлаш (жорий машғулот охирида ёки кейинги дарс бошланишида)

Машғулотларни ўтказишда мустақил ишлар ва топшириқларнинг катта банки бўлиши мақсадга мувофиқдир. Улар мураккаблик даражасига кўра ажратилса, янада яхши бўлади.

Машғулотларни ўтказишда фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:


1. Қийинлик даражасига кўра бир хил бўлган бир қатор топшириқларни бериш. Бунда муайян вақт оралиғида энг кўп машқ бажарган талаба юқори баҳо олади.

2. Қийинлик даражаси турлича бўлган топшириқлар берилади. Бунда баҳо топшириқ турига қараб белгиланади.

3. Талабалар мустақил ишининг амалга оширилишига қаратилган методик таъминоти ва назорати.

Ўқув жараёнининг методик таъминоти мажмуини ишлаб чиқиш ТМИ самарадорлигини таъминлашнинг энг муҳим шартидир. Бу мажмуага маъруза матнлари, дарсликлар, ўқув ва методик адабиётлар, лаборатория ишлари, топшириқ ва вазифалар банки, фаннинг ахборот базалари ва бошқалар киради.

Ўқув-методик адабиётлар фақат ахборот беришгина эмас, балки ташкилий-назорат қилиш вазифаларини ҳам бажариши керак. Ўқув-методик адабиётларнинг бошқарувчилик вазифаси саҳифалар белгилашда, ўқув материалининг асосий қоидаларини матнда ажратиб кўрсатишида, ўқув материалларининг ўзаро алоқадорлигини кўрсатиб берувчи таркибий-мантиқий жадвалларининг мавжудлигида намоён бўлади.



ТМИ натижали бўлиши эса унинг фаол назорати билан боғлиқ. Назоратнинг қуйидаги турлари мавжуд:

кириш (дастлабки) назорати, бунда талабанинг навбатдаги фан ўрганилишидан олдин шу фанга оид билим ва малакалари назорат қилинади;

жорий назорат, яъни маъруза, амалий ёки лаборатория машғулотларида материалнинг ўзлаштирилиши мунтазам равишда назорат қилиб борилади;

оралиқ назорат, бу курсдаги муайян бўлим ёки қисмнинг тугашига боғлиқ бўлади;

ўз-ўзини назорат қилиш — фанни ўрганиш жараёнида назорат ишларига тайёрланишда талабанинг ўзи томонидан амалга оширилади;

якуний назорат — фан ўқиб бўлингач имтиҳон ёки синов шаклида ўтказилади.

ТМИни ташкил этишнинг шакл ва усуллари ниҳоятда кўп. Булардан қайси бирини танлаш ва фойдаланиш конкрет фанга, ўқитувчининг мақсад ва вазифаларига, қолаверса, унинг тажриба ва маҳоратига боғлиқдир.

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАШИНИ ИЛМИЙ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Ҳозирда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ва бажарилаётган ишлар бўлажак мутахассислар ўзлари учун зарур бўлган барча ахборот ҳамда маълумотларни мустақил топиш ва йиғиш маҳоратини, уларни таҳлил эта олиш малакасини эгаллаган бўлишларини тақозо этмоқда.

Мустақил ишлаш ҳар бир талабадан маълум бир тизимга риоя қилишни, тиришқоқликни, мақсад сари интилишини талаб этади. Шунинг учун ҳам кўпчилик талабаларда олий ўқув юртидаги кундалик ҳаётни тўғри ташкил қилиш муаммоси пайдо бўлади. Баъзи биринчи курс талабалари ўрганилаётган материалларни етарли ўзлаштириб олиш учун вақт етишмаслигидан, юкламалар кўплиги учун кам дам олаётганликларидан шикоят қилади.

Бундай вазият ўз вақтини тўғри тақсимлай олмаган, ҳар бир дақиқасининг қадрига етмаган талабалардагина содир бўлади. Шунга кўра, мустақил ишлашда кун тартибига қатъий риоя қилган ҳолда иш бошлаш тўғри ва мақсадга мувофиқдир. Кун тартибини мақсадга мувофиқ тарзда тузиш учун қуйидагича иш юритиш керак:

Бир суткани бир қанча зарурий улушларга бўлиш керак: бунга ишлаш, овқатланиш, бадан тарбияси, ҳордиқ чиқариш, хўжалик ишлари ва шу кабилар киради.



Кун тартибини тузишдан мақсад ҳар бир талабанинг маълум тартибда иш олиб боришига, ҳеч нарсани эсдан чиқармай, ҳамма нарсага вақт ажратиш, ҳар бир ишни ўз муддатида бажаришга ўргатишдан иборатдир. Кун тартибини ҳар бир киши ўзининг шахсий физиологик имкониятларигагина эмас, балки умуминсоний қонун-қоидаларга қараб ҳам тузиши мумкин.

Ёдда тутинг!

Кун тартибини тузишда ухлаш (суткасига 7-8 соат), мунтазам овқатланиш (уч-тўрт марта), дам олиш (фаол ва суст) учун етарли вақт ажратиш зарур. Саломатликни яхшилаб бориш мақсадида ҳар куни жисмоний машқлар ва бадан тарбиясига риоя қилиб, организмни чиниқтириш учун ҳам вақт ажратиш тавсия этилади. Кўпчилик талабалар ўз имкониятларига ортиқча баҳо бериб юборишлари натижасида маълум зўриқишларга учраши мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эрталаб нонушта қилмай келган талабалар кўп хатоликларга йўл қўядилар, тўйиб ухламаган талабаларда эса тезкорлик етишмаслигини кузатишимиз мумкин.

Агар мияга дам берилмай, юклама билан ишлайверилса, асаб ҳужайраларига ва бутун асаб тизимига зўриқиш бўлиши мумкин. Бундай шароитларда ҳар қандай иш фаолияти тўхтатилиб, дам олиш мақсадга мувофиқдир. Театр, кино, шеърхонлик, китоб мутолааси, истироҳат боғларида сайр қилиш, табиат манзараларидан баҳра олиш, сайрларда бўлиш — буларнинг ҳаммаси унумли меҳнат қилишда ажойиб ёрдам берувчи омиллардир.

Маълум бир соатда уйқудан туриш, овқатланиш (бир суткада камида уч марта) ва уйқуга ётиш кун тартибининг асосини ташкил этади. Кун тартибини белгилашда вақт меъёрини режалаштириш ўқув машғулотлари жадвали, ўқув дастури ва дарсдан ташқари машғулотлар жадвалига асосланиб тузилади. Бинобарин, ана шу ҳужжатлар билан танишиш мустақил ишлашни ташкил этишнинг асоси ва биринчи шартидир.

Ёдда тутинг!

Бу ҳужжатларни ўрганиб чиққач, биринчи галда овқатланиш ва ухлаш вақтини белгилаб олиш зарур. Олий ўқув юрти талабалари 7-8 соат ухлаши, уларнинг фаолияти давомида етарли даражада ишлашлари учун кифоя қилади.

Ухлайдиган хонанинг ҳавоси ҳамма вақт тоза бўлиши лозим. Ёз пайтида деразаларни очиб қўйиб ухлаш ёки очиқ ҳавода ётиши мақсадга мувофиқдир. Ухлайдиган уйнинг ҳарорати 15-20 даража атрофида бўлиши мумкин.

Овқатланишда ҳам маълум бир тартибга риоя қилиш лозим. Ақлий меҳнат билан банд бўлинганда овқатга тухум, пишлоқ, қанд, сут ва таркибида фосфор моддаси бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтирган маъқул. Кунига тўрт марта овқатланганда умумий мезоннинг 25-30 фоизи нонушта, 10-15 фоизи чошгоҳда, 40-50 фоизи тушликда ва 15-20 фоизи кечки овқат пайтида истеъмол қилгани маъқул.

Ҳар бир талаба ўзининг иш режасига эга бўлиши керак. Шахсий иш режаси юқорида қайд қилиб ўтилган шартларни инобатга олган ҳолда, берилган топшириқлар аниқланади. Ўқув жадвалида белгиланган топшириқлар, қисқача маъруза, тажриба ишлари, назорат топшириқлари, оммавий тадбирлар, мусобақалар, бадиий кечалар, спорт мусобақалари каби тадбирларнинг муддатлари ҳисобга олинади.

Бир ҳафталик ёки бир ойлик режа тузиб чиқилади. Ушбу режада бажариладиган ишлар мазмуни, куни ва вақти кўрсатиб ўтилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, талабалар вақтни тўғри тақсимлай олмасликлари натижасида мустақил иш бажаришлари муаммога айланмоқда. Уларнинг маълум тартибга риоя қилмасликлари, мустақил фаолият билан шуғулланиш йўлларини билмасликлари бунинг асосий сабабидир. Шунинг учун талабаларни кун тартибини тузишга, унга риоя қилишга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

Улар маълум бир тартибга ўргангунларига қадар ҳар бир кунни уйқудан уйғониш (соат 7:00) дан бошлаб, то уйқуга ётиш (соат 23:00)гача маълум меъёрларни тузиб чиқишлари керак. Ўрганганларидан сўнг ҳар куни такрорланувчи фаолиятларни қайд этмаган ҳолда, ўзгариб турувчи ва қайд этиш лозим бўлган маълумотларгина ёзиб борилади.

Шундай қилиб, ўқишдан ташқари ишлар учун кунига 4-4,5 соат вақт ажратиш зарур ва бу вақтни 5-10 дақиқагача аниқлик билан тақсимлаш мумкин, бундай ақлий меҳнат гигиенаси мезонларига риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар куни кечқурун бажарилган ишлар таҳлил қилинади, қайси ишни бажаришда сусткашликка йўл қўйилган бўлса, кейинги босқичларда тузатишлар киритишга ҳаракат қилинади. Юмушлар тартибли равишда белгилаб чиқилади. Мияни толиқтириб қўймаслик учун ақлий меҳнатдан сўнг жисмоний меҳнат билан шуғулланган маъқул.

Ёдда тутинг!

Кун тартибини тузишда мустақил ишлаш учун белгиланган соатларда бошқа ишлар билан банд бўлиб, уни бекорга ўтказмаслик кераклигини, ҳар 40-50 дақиқадан сўнг 10 дақиқа ҳордиқ чиқариш, 2,5-3 соатлик машғулотдан сўнг эса, гарчи чарчамаган бўлсангиз ҳам, ярим соат дам олиш зарурлигини эътиборга олиш керак.

Машғулотни тушуниш бир мунча оғир бўлган ўқув предметидан бошлаш, сўнгра яна ҳам қийинроғига ўтиш, осонини эса энг охирида ўқиш ҳам мумкинлигини назарда тутиш зарур.

Мустақил ишлашни оз-оздан бошлаб, мунтазам равишда кўпайтириб бориш лозим. Маълум бир меъёрда иш бажариш одамни чарчатмайди ва фаолиятнинг турғунлигини таъминлайди. Режалаштирилган ва амалга ошириш йўлларининг белгилаб олиниши ташкилотчилик қобилиятини уйғотади, ирода, сабот-матонат, ижодий фикрлаш, мустақиллик каби фазилатларни ривожлантиради.

Шундай қилиб, мустақил ишлашни намунали ташкил қилиш кўп илмий-назарий материалларни ўзлаштириш, билимдон бўлиш ва етук мутахассис бўлиб етишиш учун замин ҳозирлайди.

Вақтни тўғри тақсимлаш ва мустақил ишлашни оқилона ташкил этиш, мустақил ишлашнинг форма ва методларини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. У ёки бу фанлардан уйга берилган вазифаларни бажариш мустақил ишнинг оддий шакли ҳисобланади. Мураккаб шаклига эса ўтилган дарслар-маърузалар ва амалий машғулотлар, семинар ва лабораториялар, бўлимлар юзасидан адабиётларни мустақил равишда таҳлилий ўрганиб чиқиш, айрим саволларга аниқ жавоблар топиш киради. Манбаларни мустақил ўқиш йўли билан қўйилган саволларга бир неча адабиётларни умумлаштириб жавоб топишга ўргатиб бориш амалда яхши натижалар беради.

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАШЛАРИ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Мустақил ишлаш жараёнида барча ғоя ва маълумотларни ёдда сақлаб қолишга уринманг. Материалнинг энг асосий бўлган маълумотлар мазмун ва моҳиятини билиб олишга ҳаракат қилинг.

Уй вазифалари устида ишлашда қуйидагиларга амал қилинг:

1. Уйга берилган вазифа устида ишлашдан аввал бу ишни бажаришдан мақсад, унинг мазмуни, моҳияти нимада эканлигини шартли равишда ўзингиз учун шакллантириб олинг. Мустақил иш бажаришда уни шунчаки бажариш (мисол ечиш, муаммони ҳал этиш)дан кўра олдинга қўйилган мақсад сари интилиш мақсадга мувофиқдир.

2. Олдинга қўйилган мақсад сари ҳаракат қилишда турли вазифаларни, машқларни бажаришда ўзингизни синаб кўриш учун яна бир неча қўшимча амалларни бажаринг.

3. Шундан сўнг дарсликка эътиборни қаратиб, амалларни назарий материаллар талабига жавоб беришини текшириб кўринг. Алоҳида аҳамиятли қисмларига катта эътибор беринг.

4. Китобдаги назарий материални ўқиб, саволларга жавоб беринг, қўшимча адабиётлардан фойдаланинг.

5. Мавзуга оид ёзма иш бажаринг:
Кутубхонадан қўшимча адабиёт олинг;
Мавзунинг қораламасини тайёрланг;
Ёзма иш режасини тузинг;
Назарий материал билан ёзма ишни қиёсланг.





Ёдда тутинг!

Ўз ишинг устидан назорат қилишни ўрган!

1. Ўз хатойинг устида ўзинг ишла.
2. Ўқув материалини ўрганиб чиқ ва уни оғзаки сўзлаб кўр.
3. Ўз билимингни кўпроқ бошқаларга ўргат.

Ўз ишингни самарали ташкил этишни ўрган!

1. Яхшилаб дам олгандан сўнг мустақил ишлашни бошла. Мустақил ишлашда узоқ вақт банд бўлмаслик зарур.
2. Иш бошлашдан олдин ўзингга нималар қилиш ҳақида ҳисобот бер.
3. Иш жадвалини тузиб чиқ. Иш бошлаганингдан 15-20 дақиқа ўтгач юқори натижаларга эриша бошлаганингни белгилаб бор. Айнан шу даврдан мураккаброқ ишларни амалга ошир.
4. Ишга зарур бўлган барча нарсаларни олдиндан тайёрлаб қўй.
5. Иш мобайнида аввалдан тузилган иш жадвалига амал қилаётганингни ва нималарни бажарганингни белгилаб бор.
6. Биринчи соатда дам олмай ишлаш мумкин, иккинчи соатдан бошлаб, 30-40 дақиқа ишдан сўнг 5-10 дақиқадан дам олишга ҳаракат қил.
7. Иш бажаришда халақит берадиган барча нарсани йиғиштириб қўй.
8. Агар бирор ишни бирданига бажара олмасанг, уни тўхтатиб бироз вақтдан сўнг уни бажаришга қайтадан кириш.

ХУЛОСА

Ушбу методик қўлланма олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари докторантлари, тадқиқотчилари ва талабалари учун ишлаб чиқилган бўлиб, унда жамият ривожи учун муҳим ҳисобланган мустақил фикрлайдиган, эркин ҳолда фаолият олиб боришга қодир, етук мутахассис тайёрлашга омил бўладиган жараёнлар ўз ифодасини топган.

Методик қўлланмага **“Олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Йўриқнома”** дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Методик қўлланмада талабалар мустақил таълимини ташкил қилишнинг илмий жиҳатлари, мустақил ишлашларининг назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилган бўлиб, талабаларнинг мустақил ишлашлари учун лозим бўладиган жараёнлар мазмунан тадқиқ қилинган.

Талабалар мустақил таълим олишларининг асосий кўринишлари ва турлари батафсил баён қилинган бўлиб, уларни ҳам назарий, ҳам амалий дарс жараёнларида бажаришлари мумкин бўлган мустақил иш бажариш усуллари кўрсатиб ўтилган. Талабаларни мустақил ишлашга жалб қилиш мақсадида методик тавсиялар берилган бўлиб, бу ўз навбатида, мустақил таълим билан шуғулланувчилар учун йўлланма ҳисобланади.



Илова

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА

ЙЎРИҚНОМА

I. Умумий қоидалар

Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги "Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 824-сон қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 16 июлдаги "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 311-сон буйруғи асосида ишлаб чиқилган.

Йўриқнома қуйидаги умумий қоидаларга асосланади:

1.1. Талабанинг мустақил таълим юкламаси ўқув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.2. Талабанинг мустақил таълими аудитория ва аудиториядан ташқарида (ўқув юкламасида ажратилган аудитория соатини инобатга олмаган ҳолда) бевосита ўқитувчи раҳбарлигида мустақил иш ёки талабанинг фан (модуль) бўйича мавзуларни мустақил ўқиб-ўрганиши тарзида амалга оширадиган ўқув ишлари мажмуини англатади.

1.3. **Мустақил таълим —** ўқув материалини мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудитория ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолият. **Мустақил иш** — ўқитувчининг топшириғи ва раҳбарлигида ўқув вазифасини ҳал этадиган таълимнинг фаол методи. Мустақил иш қўйилган мақсад билан боғлиқликда талабаларнинг аниқ фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишдир. Талабанинг мустақил ишлари унинг юқори даражадаги фаоллик, ижодийлик, мустақил таҳлил, ташаббускорликка ҳамда барча вазифаларни ўз вақтида ва мукаммал тарзда бажаришга асосланган фаолиятидир.

1.4. Мустақил иш тури ва шакли муайян таълим йўналиши (мутахассислик) ҳамда фан (модуль)ларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

1.5. Мустақил ўқиб-ўрганиш учун таклиф этилган мавзулар ҳамда мустақил иш топшириқлари ва уларни бажариш бўйича кўрсатмалар талаба учун ишлаб чиқилган фан дастур (силлабус)да ўз аксини топиши лозим. Мустақил иш учун тақдим этилган ўқув топшириқлари вариатив тавсифга эга бўлиши тавсия этилади.

1.6. Фан (модуль) бўйича мустақил таълимга ажратилган соатларнинг мустақил иш тарзида бажарилиши кўзда тутилган ўқув бирлиги ҳажми (кредит) масъул кафедра муҳокамасидан ўтказилиши, йиғилиш қарори билан тасдиқланиши ҳамда профессор-ўқитувчи томонидан тузилган силлабусда мустақил иш шакли ва тури мазкур ҳажм (кредит)га мос келиши лозим.

1.7. Дидактик жараёнларни жадаллаштириш, талабаларнинг мустақил таълим олиш самарадорлигини ошириш мақсадида ўқув даврининг I семестрида тьюторлар, АРМ ходимлари ва фан масъуллари томонидан мазкур жараённи амалга ошириш тартиби бўйича даврий равишда (шу жумладан, кредит ҳафталиги доирасида) ўқув семинарлари ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

1.8. Мустақил иш топшириқлари ва уни бажариш муддатлари электрон платформада қатъий белгиланади. Узрли сабабларсиз мустақил ишни бажариш муддатини ўтказиб юборган талабанинг ўқув фаолияти натижалари текширилмайди ва баҳоланмайди. Узрли сабаблар эса деканат (регистратор офис) томонидан ўрганиб чиқилиши, декан рухсати билан инобатга олиниши ҳамда топшириқ бажарилиши учун якуний назорат ўтказилишига қадар қайта топшириш муддати белгиланиши мумкин.

1.9. Мустақил таълим бўйича ўқув фаолияти натижалари баҳоланмаган талаба якуний назоратларга киритилмайди ёки шартли равишда топшириш муддати белгиланади.

1.10. Фан (модуль) бўйича оралиқ ва якуний назорат саволларининг 1/2 қисми мустақил ўқиб-ўрганиш учун тавсия этилган мавзулар ва адабиётлар асосида тузилиши тавсия этилади.

1.11. Фан (модуль)нинг аудитория юкламасини бажариш вақтида талабаларнинг мустақил ишлари назорат қилинмайди. Талаба мустақил иш топшириқларини бажариш юзасидан фан дастур (Силлабус)да кўрсатилган контакт соатида офлайн ёки онлайн тарзда бир ёки икки маротаба маслаҳат олиши мумкин.

1.12. Талаба мустақил иш топшириқларини бажаришда академик ва этик талабларга риоя этиши (плагиатга йўл қўймаслик, профессор-ўқитувчилар, талабалар билан толерант муносабатда бўлиш, кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш, масъулиятлилик) шарт.

1.13. Фан (модуль) юзасидан талабалар бажарадиган мустақил иш топшириқлари вариатив тавсифга эга бўлиши лозим. Мустақил иш топшириқларининг 1/3 қисми кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш (кооперативлик)га мўлжалланган бўлиши керак.

1.14. Мустақил ўқиб-ўрганиш учун таклиф этиладиган мавзулар ва мустақил иш топшириқлари фан (модуль)га ажратилган кредитлар сони ҳамда талабанинг вақт бюджетини инобатга олган ҳолда белгиланиши лозим.

1.15. Талаба томонидан электрон тизим (платформа)га юкланган мустақил иш топшириқлари аниқ белгиланган муддатда профессор-ўқитувчи томонидан текширилиши ва натижаси талабага маълум қилиниши шарт.

1.16. Мустақил таълим натижаларини баҳолаш фан (модуль)нинг умумий баҳолаш (100 баллик) тизимида акс эттирилади ва фан дастур (силлабус)нинг баҳолаш мезонларида унга ажратилган балл аниқ кўрсатиб қўйилади.

1.17. Ўқиши кўчирилган ёки тикланган талабалар ўзлаштирилмаган фан (модуль)ларни қайта ўқиш тартибида ўзлаштиради. Истисно тариқасида, фаннинг семестрдаги юкламаси 6 (олти) кредитдан ошмайдиган академик фарқли фан (модуль)лар талабанинг аризасига кўра ва декан розилиги билан 100% мустақил таълим шаклида ўзлаштирилиши мумкин.

II. Талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари

2.1. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишдан асосий **мақсад** фан (модуль) бўйича ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, бойитиш, амалий кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, ахборот билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, когнитив, креатив, ҳамкорликда ишлаш компетенцияларини шакллантиришдан иборатдир.

2.2. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш қуйидаги **вазифалар**ни муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилиши лозим:

– талабаларда ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил билим олиш ва инновацион фаолиятни шакллантиришга имкон берувчи компетенцияларни эгаллаш мақсади билан боғлиқликда мустақил ўқув фаолиятини амалга ошириш;

– билим, кўникма ва малакаларни мустақил эгаллаш, муаммони шакллантира олиш ва уни ҳал этишнинг мақбул йўларини излаб топишга қобилиятли креатив шахсни тарбиялаш;

– талабаларда ўқув дастурини ўзлаштиришга доир мотивацияни ҳосил қилиш;

– таълим олувчиларда билим олишга доир масъулиятни ошириш;

– талабаларда умуммаданий ва касбий компетенцияларни ривожлантиришга имкон бериш;

– таълим олувчиларда мустақил билим олиш, ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини ривожлантиришга қобилиятлиликни шакллантириш учун шароит яратиш.

III. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш жараёнини бошқариш

3.1. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш жараёнини бошқаришга ўқув-услубий бошқарма, деканат (регистратор офис), кафедра бевосита масъулдир. Таълим сифатини назорат қилиш бўлими эса мазкур жараённи мониторинг қилиш ваколатига эгадир.

3.2. Мустақил таълим жараёнини ташкил этишда **ўқув-услубий бошқарма** қуйидаги ишларни амалга оширади:

– ўқув режаларида мустақил таълим учун ажратилган кредитларнинг тўғри тақсимланишини амалга ошириш;

– фан (модуль)лар бўйича тузилган фан дастури (силлабус)да мустақил таълимни ташкил этишга доир услубий кўрсатмалар ҳамда намуна тарзидаги мустақил ўқиб-ўрганиш учун мавзуларнинг аниқ акс эттирилишини назорат қилиш;

– талабалар мустақил таълимини ташкил этиш жараёнларининг бориши, мустақил иш топшириқлари ва унинг белгиланган талабларга мос бажарилишини мунтазам ўрганиб бориш;

– талабалар мустақил ўқув фаолияти натижаларининг электрон тизимда қайд этиб борилиши мониторингини юритиш.

3.3. **Деканат (регистратор офис)** томонидан талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишда қуйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

– таълим йўналишлари (мутахассисликлар)да талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш. Жумладан, профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликда ишлаши, контакт соатлари учун алоҳида аудитория ажратиш, мустақил ишларни топшириш ва баҳолаш графикларини ишлаб чиқиш тавсия этилади;

– талабалар мустақил ишларининг бажарилишини электрон тизим орқали мониторинг қилиб бориш, ўқув-услубий бошқармага белгиланган муддатларда маълумотнома тақдим этиш;

– мустақил иш натижаларининг ўрнатилган тартибда қайд этилишини назорат қилиш ва йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш;

– мустақил иш натижалари юзасидан профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги низоларнинг олдини олиш ҳамда модерация технологиясини қўллаш;

– таълим йўналишлари (мутахассисликлар)дан келиб чиқиб мустақил таълимни амалга ошириш ҳолати бўйича оралиқ муддатларда талабалар ўртасида онлайн сўровлар ўтказиш ва тезкор чоралар кўриш.

3.4. **Кафедра** томонидан талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади:

– фан (модуль)лар бўйича мустақил ўқиб-ўрганишга доир мавзуларни шакллантириш ва кафедра йиғилиши (методик бирлашмаси)да муҳокама қилиш;

– фан (модуль)лар бўйича мустақил ўқиб-ўрганишга доир мавзуларни ўқув дастурларида тўғри ва аниқ акс эттириш;

– фан (модуль)лар бўйича мустақил таълимга ажратилган соатларнинг мустақил иш тарзида бажарилиши кўзда тутилган ўқув бирлиги ҳажми (кредит)ни белгилаш ва кафедра йиғилишида тасдиқлаш;

– фан (модуль)лар бўйича мустақил иш турлари ва шаклини белгилаш ҳамда фан дастур (силлабус)да акс эттириш;

– мустақил иш учун ажратилган балларни 5 баҳолик мезон (100 баллик тизими) доирасида белгилаш, балларни иш турлари бўйича тақсимлаш;

– кафедра йиғилишларида фан (модуль)лар бўйича мустақил иш топшириқларининг бажарилишини муҳокама қилиб бориш ва йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш.

IV. Мустақил таълимни амалга оширишга доир профессор-ўқитувчи ҳамда талабаларнинг вазифа ва мажбуриятлари

4.1. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишда **профессор-ўқитувчилар** қуйидаги **вазифа** ва **мажбуриятларни** амалга ошириши лозим:

– фан (модуль) бўйича фан дастур (силлабус)да ўқув режасида кўзда тутилган кредит(соат)га мувофиқ мустақил ўқиб-ўрганиш учун мавзулар ва мустақил иш топшириқларини аниқ акс эттириш;

– мустақил ишлар ва топшириқларнинг ақлий фаолият (таҳлил, синтез, таққослаш, солиштириш, умумлаштириш)ни тақозо этишини таъминлаши;

– фан дастур (силлабус)да мустақил ўқиб-ўрганиш учун тавсия этилган мавзуларни ўзлаштириш ва мустақил иш топшириқларини бажаришга доир методик кўрсатмалар, баҳолаш мезонлари ва муддати, маслаҳат олиш учун контакт соатларини кўрсатиб қўйиши;

– фан (модуль) бўйича талабаларнинг кичик гуруҳлардаги ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда жамоада ишлаш натижалари бўйича сўровлар ўтказиш. Мазкур жиҳат талабаларнинг ҳамкорликдаги ишлари натижаларини баҳолашда ҳисобга олиниши;

– курс иши мавзулари банкини тузишда мустақил таълим мазмунини ҳам акс эттириши;

– оралиқ ва якуний назорат саволларини тузишда мустақил таълим учун тавсия этилган мавзуларни ҳам назарда тутиши;

– мустақил иш топшириқларининг бажарилишини электрон тизим (платформа) орқали назорат қилиб бориши, текшириши ва баҳолаши, натижаларни ўз вақтида талабаларга етказиши. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда бажарилган мустақил ишлар тақдимотини ўтказиши, конгруентлик (“ҳозир ва шу ерда”) тамойилига риоя қилган ҳолда, талабаларнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаштириши ва натижаларини эълон қилиши;

– профессор-ўқитувчи фан дастури (силлабус)да белгиланган контакт вақтида мустақил иш бўйича талаба мурожаати асосида маслаҳат ва амалий тавсиялар бериб боришини назорат қилиши;

– талабаларнинг мустақил ўзлаштиришлари учун қўшимча ўқув материаллари, уларнинг мазмунига доир мустақил иш мавзулари ва топшириқлар тайёрлаши ҳамда талабаларга уларни бажаришлари учун тегишли кўрсатмалар бериб бориши.

4.2. Мустақил ўқиб-ўрганиш ва мустақил иш топшириқларини бажаришда **талабалар** қуйидаги **вазифа** ва **мажбуриятларни** амалга ошириши лозим:

– фан (модуль)лар бўйича мустақил ўқиб-ўрганиш учун тавсия этилган мавзуларни тўлиқ ўзлаштириши ва мустақил иш топшириқларини белгиланган муддатларда сифатли тарзда тақдим этиши;

– мустақил иш топшириқларини бажаришда плагиат (кўчирмакашлик)га йўл қўймаслиги;

– мустақил иш топшириқларини бажаришга креатив ёндашиши, мустақил, танқидий ва инновацион фикрлаш, ахборотлар билан ишлаш компетентлигига эга бўлиши, ўз-ўзини ривожлантиришга интилиши;

– кичик гуруҳларда ҳамкорликдаги мустақил иш топшириқларини бажаришда жамоанинг умумий мақсадига мос ҳаракат қилиши, ўзига юклатилган вазифаларни ўз вақтида бажариши, жамоада ишлай олиш компетенциясини ўзлаштириши.

Мустақил ишга қўйилган баҳо (баллар) бўйича эътирозлар бўлган тақдирда, талаба белгиланган муддат тугаганидан кейин 24 (йигирма тўрт) соат (1 сутка) давомида деканат (регистратор офис)га электрон платформа орқали ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

V. Мустақил таълимни ташкил этиш шакллари ва турлари

5.1. Талабаларнинг мустақил таълими қуйидаги турларда ташкил этилиши лозим:

– аудитория машғулотларига тайёргарлик кўриш;

– аудиториядан ташқари вақтда мустақил иш топшириқларини бажариш;

– фан (модуль) бўйича мавзуларни мустақил равишда ахборот-ресурс марказлари, уйи (талабалар турар жойлари)да ўқиб-ўрганиш.

5.2. Аудитория машғулотларига тайёргарлик кўриш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

– маъруза, семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;

– семинар-конференцияларга тайёргарлик кўриш;

– коллоквиумларга тайёргарлик кўриш;

– кўп сўраладиган саволлар (FAQ-frequently asked questions) орқали ўзини қизиқтирган муаммоларга ўргатувчи дастурлар воситасида жавоб излаш;

– форумларда иштирок этиш — фан мавзулари бўйича телеграм каналлари ёки масофавий таълим платформаларида фикр алмашиш;

– web-kvest — ўргатувчи тест дастурларида машқ қилиш орқали фан (модуль)га оид билимларини мустаҳкамлаш;

– назорат ишларига тайёргарлик кўриш;

– синов (зачёт)га тайёргарлик кўриш;

– имтиҳонга тайёргарлик кўриш.

5.3. Аудиториядан ташқари вақтда бажариладиган мустақил ишлар қуйидаги турларда амалга оширилиши тавсия этилади:

– долзарб мавзу бўйича шахсий фикрини танқид, публицистик ва бошқа жанрлар (масалан, эссе)да ёзма баён қилиш;

– маърузалар тайёрлаш;

– курс иши ёзиш;

– конспект ёзиш;

– глоссарий тузиш;

– индивидуал ва жамоавий ўқув лойиҳаси тузиш;

– кейс-топшириқларини бажариш;

– мавзули портфолиолар тузиш;

– ахборот-таҳлилий материаллар билан ишлаш;

– манбалар билан ишлаш;

– инфографика тузиш;

– чизма-тасвирий моделлар (intellekt-kart, freym, мантиқий граф ва ҳ.к.) яратиш;

– мультимедиали тақдимотлар яратиш;

– дарсларнинг методик ишланмаларини тайёрлаш;

– дарсдан ташқари машғулот ишланмаларини тайёрлаш;

Таълим йўналиши (мутахассислик)нинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, мустақил ишларнинг бошқа турларидан фойдаланиш мумкин.

Мустақил ишларни ташкил этишда ахборот технологияларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланиш тавсия этилади:

1. Тармоқдан ахборот излаш — web-brauzer, маълумотлар базасидан фойдаланиш, ахборот-қидирув, ахборот-маълумотнома тизимлари, автоматлашган кутубхона тизимлари, электрон журналлардан фойдаланиш.

Ахборот излаш ва унга ишлов беришга доир мустақил ишларга қуйидагилар киради: мавзу билан боғлиқ сайтларга тақриз ёзиш; маълум мавзуга доир тармоқдаги мавжуд рефератларни таҳлил этиш, уларни баҳолаш; маъруза режасига доир ўз вариантини ёки унинг маълум бир қисмини ёзиш; фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш; амалий машғулотлардан лавҳа тайёрлаш; мавзуга доир маъруза тайёрлаш; мавзуга доир мунозара ўтказиш; профессор-ўқитувчи томонидан тайёрланган ёки тармоқдан топилган web-kvestда ишлаш.

2. Тармоқда диалогни амалга ошириш — электрон почта, синхрон телеконференциялардан фойдаланиш. Тармоқда диалогни амалга оширишни қуйидагича кўринишда ташкил этиш мумкин: ўтказилган ёки ўтказилиши кўзда тутилган маърузаларни муҳокама қилиш; мутахассис ёки талабалар билан синхрон телеконференция (чат)да мулоқотни амалга ошириш.

3. Тематик веб-саҳифа, веб-квест (топшириқ)лар яратиш — html-муҳаррири, web-brauzer, график муҳаррирлардан фойдаланиш. Тематик web-саҳифа, web-kvest (топшириқ)лар яратишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин: сайтда талабалар томонидан бажарилган ижодий ишларни жойлаштириш; мавзуга доир адабиётлар рўйхатини чоп этиш; индивидуал ва кичик гуруҳларда ишлашга доир мавзули web-саҳифаларни яратиш; мавзу бўйича ишлаш учун web-kvestлар яратиш ва уларни курсга доир сайтда жойлаштириш.

VI. Талабалар мустақил ишларини баҳолашнинг умумий мезонлари

6.1. Талабалар мустақил таълимини баҳолаш мезонлари тегишли кафедралар томонидан фан (модуль)лар хусусиятини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва факултет илмий кенгашида тасдиқланади.

6.2. Ҳар бир фан (модуль) бўйича мустақил иш топшириқларининг баҳолаш мезонлари талабаларга семестрнинг бошида тақдим қилинади.

6.3. Талабаларнинг фан (модуль) бўйича мустақил иш топшириқларини баҳолаш берилган муддат (deadline)га мувофиқ амалга оширилади.

6.4. Мустақил ишга қўйиладиган балл умумий баллнинг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

6.5. Талаба(лар)нинг фан (модуль) бўйича мустақил таълим натижалари электрон платформага бутун сонлар билан қайд қилинади.

6.6. Фанлар кесимида талабаларнинг мустақил ишлари бўйича ўзлаштириш мунтазам равишда талабалар гуруҳларида, кафедра йиғилишларида ҳамда ҳар ўқув йилида камида икки марта факултет Илмий Кенгашида муҳокама этиб борилади.

VII. Якуний қисм

7.1. Мазкур йўриқнома университет Кенгашида тасдиқланиб, имзоланганидан сўнг амалиётга жорий этилади.

7.2. Йўриқномага айрим тузатиш ва ўзгартиришлар киритиб бориш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. О.А.Қўйсинов, Н.А.Муслимов. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг назарияси ва методикаси. Монография. — Т.: “Фан”, 2009. — 92 б.

2. О.А.Қўйсинов. Касб таълими йўналиши бакалавр ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимнинг илмий-методик асослари: Дис. ... пед. фан. ном. — Т.: ТДПУ, 2008. — 160 б.

3. Ш.И.Йўлдашев. Талабаларнинг мустақил таълимининг замонавий ўқув жараёнида аҳамияти ва ўрни // Услубий қўлланма. — Т.: ЎзМУ, 2022. — 41 б.

4. Д.Р.Каримова. Кредит-модуль тизимида мустақил таълим // Услубий қўлланма. — Тошкент: ООО “Complex Print”, 2021. 126 бет.

5. Н.О.Жўраева. Таълим жараёнида мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш бўйича айрим кўрсатмалар//Таълим ва инновацион тадқиқотлар. 2021.№3. — 172 б.

6. Г.М.Мусаханова. Мустақил таълим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. 2020. №6. — 222-224 б.

7. Р.Р.Хусаинов. Олий таълимда фанларни ўқитиш сифатини оширишда мустақил таълимнинг роли // Замонавий таълим. 2016. №4. — 25-32 б.

8. Г.Н.Ибрагимова. Олий таълим тизимида интерфаол технологиялар воситасида талабалардаги ижодий фикрлашни ривожлантириш // Замонавий таълим. 2017.№4. — Б. 30-35.

9. Н.Суюнов. Мустақил ишларни бажариш учун // Услубий кўрсатма. — Т.: 2019. — 116 б.

МУНДАРИЖА

Кириш 3
Таълим жараёнида талабалар мустақил ишларининг ўрни ва аҳамияти 5
Асосий тушунча ва таърифлар 7
Талабаларни мустақил ишлашга қизиқтириш омиллари 8
Талабалар мустақил ишлашини илмий ташкил қилиш 14
Талабаларнинг мустақил ишлашлари учун тавсиялар 18
Хулоса 20
Олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома 21
Фойдаланилган адабиётлар 30

Услубий нашр

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ
ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Методик қўлланма

Муҳаррир
А.Тилавов

Мусаҳҳиҳ
А.Абдужалилов

Саҳифаловчи
О.Исмаилов

Техник муҳаррир
Н.Мирпўлатова

Наш.лиц. № AI 245, 02.10.2013.
Теришга 09.01.2023 йилда топширилди. Босишга 18.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32. Офсет босма. “Latto” гарнитураси. Шартли б.т. 1,68. Нашр б.т. 1,0. Адади 250 нусха. Буюртма №109. Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Go To Print» ХК босмахонасида босилди. Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй. Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95



ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ISBN 978-9943-7215-8-6

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ